

2007-3 сон

Судланувчининг ҳаракатлари Жиноят кодексининг 97-моддаси 2-қисмининг жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолат ҳисобланган «безорилик оқибатида» белгиси билан нотўғри квалификация қилинганлиги суд қарорининг ўзгартирилишига сабаб бўлди.

Жиноят ишлари бўйича Андижон вилоят судининг 2006 йил 11 июлдаги ҳукмига асосан, К. Жиноят кодексининг 97-моддаси 2-қисми «л» банди, 223-оддасининг 1-қисми билан судланган.

Апелляция инстанцияси суди ҳукмни ўзгаришсиз қолдирган.

Суд ҳукмига кўра, К. Андижон шаҳрида жойлашган «Жаҳон бозори» худудида Д. З. билан ўзаро жанжаллашиб қолишган. К. укаси Д.ни ҳақорат қилганлиги учун жамоат тартибини бузиб, З. билан жанжаллашиб стол устида турган хўжалик пичоғи билан З.нинг чап кўкрак қисмига уриб, уни қасддан ўлдирганликда айбдор деб топилган.

Биринчи ва апелляция инстанциялари судлари К.нинг ҳаракатларини квалификация қилишда хатога йўл қўйишган.

Ишни кўришда суд томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги **«Қасдан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»**ги қарори 16-бандининг безорилик оқибатида қасдан одам ўлдириш жиноятини ўзаро жанжал ёки уришиш оқибатида содир этилган қотилликдан (ЖК 97-моддаси биринчи қисми) фарқлаш учун уриш-жанжал ташаббускори ким эканлигини, низо одам ўлдиришда баҳона сифатида фойдаланиш мақсадида айбдор томонидан атайлаб уюштирилган-уюштирилмаганлигини аниқлаш лозимлиги, агар уруш-жанжал жабрланувчи томонидан бошланган бўлса ёки низога унинг ғайриҳуқуқий хулқ-атвори сабаб бўлган бўлса, айбдор безорилик оқибатида

одам ўлдириш жинояти учун жавобгар бўлмаслиги ҳақидаги кўрсатмаларига риоя этилмаган.

Жиноят ишида тўпланган далилларга ҳамда суд мажлисида аниқланган ҳолатларга қараганда, уруш-жанжал ташаббускори З. бўлиб, у К.ни мушти билан урган, сўнг унинг бўйнига пичоқ тираган. Жанжал тўхтагач, А. К.ни қоровулхонага олиб кирган, З. шунда ҳам тинчланмасдан К.нинг орқасидан қоровулхонага кириб, жанжални давом эттирган.

Дастлабки тергов органи ҳам жанжалнинг ташаббускори З. эканлиги, унинг ҳаракатларида безорилик жинояти аломатлари борлиги ҳақида хулосага келган ҳамда жиноят ишининг унга оид қисмини у вафот этганлиги сабабли ЖПК 84-моддасининг 1-қисмига асосан тугатган.

Бундай ҳолатда К.нинг ҳаракатларида безорилик аломатлари бор деб ҳисоблаб бўлмайди.

Шу сабабли Ўзбекистон Республикаси Олий суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2007 йил 9 январдаги ажрими билан К.га нисбатан чиқарилган суд қарорлари ўзгартирилиб, унинг ҳаракатлари ЖК 97-моддаси 2-қисмининг «л» бандидан шу кодекснинг 97-моддаси 1-қисмига қайта квалификация қилинди.

ЖСҲ-04-07 сонли ажрим